

**Takhirjan
Ganievich Yokubov**
Senior Lecturer
Tashkent State University of Economics

**ISSUES OF IMPROVING THE ORGANIZATION OF INFORMATION
AND LOGISTICS SYSTEM IN THE INNOVATION AND INTEGRATION
ENVIRONMENT OF AGRICULTURAL CLUSTER ENTERPRISES IN THE
CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY**

***Abstract:** Providing the population of Uzbekistan with food products and ensuring economic growth through the export of agricultural products to the world market is one of the pressing issues of our time. This article, based on world practice, highlights the issues of improving the organization of a logistics information system in the innovative and integrated environment of enterprises of the Agrocluster of the agricultural network of our country.*

Key words: digital economy and agricultural network, integration, food security, export, investment, agricultural cluster, logistics, information technology.

Тахиржан Ганиевич Ёкубов
Старший преподаватель,
Ташкентский государственный
экономический университет

**ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОРГАНИЗАЦИИ
ИНФОРМАЦИОННО-ЛОГИСТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ В
ИННОВАЦИОННО-ИНТЕГРАЦИОННОЙ СРЕДЕ АГРОКЛАСТЕРНЫХ
ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ**

***Аннотация:** Обеспечение населения Узбекистана продовольственными товарами и обеспечение экономического роста за счет экспорта сельскохозяйственной продукции на мировой рынок является одним из актуальных вопросов современности. В данной статье на основе мировой практики освещены вопросы совершенствования организации логистической информационной системы в инновационной и интегрированной среде предприятий Агрокластера аграрной сети нашей страны.*

***Ключевые слова:** цифровая экономика и аграрная сеть, интеграция, продовольственная безопасность, экспорт, инвестиции, агрокластер, логистика, информационные технологии.*

Ёкубов Тохиржон Ганиевич,

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АГРОКЛАСТЕР
КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН-ИНТЕГРАЦИОН МУҲИТИДА
ЛОГИСТИК АХБОРОТ ТИЗИМИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.**

Аннотация: Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорига экспорт қилиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ушбу мақолада жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз аграр тармоғида Агрокластер корхоналарининг инновацион-интеграцион муҳитида логистик ахборот тизимини ташкил этишни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт ва аграр тармоқ, интеграция, озиқ-овқат хавфсизлиги, экспорт, инвестиция, агрокластер, логистика, ахборот технологиялар.

Республикамизнинг иқтисодий барқарорлигига эришишида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўстириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш, иқтисодиётни рақамлаштириш ва бошқа шу каби макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишни таъминлаш каби муҳим омиллар билан бирга мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳар бир корхонанинг ҳам хўжалик субъекти сифатида иқтисодий ривожлантиришни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан Республикамиз аграр тармоғида сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини оширишда халқаро амалиётда синалган “Кластер” назариясига асосланган тажрибадан фойдаланиш, жумладан, иқтисодиётимизнинг озиқ -овқат саноати истиқболида муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай мамлакат, ҳудуд ёки вилоят иқтисодиётининг рақобатбардошлиги, энг аввало, ишлаб чиқараётган товарларини маҳаллий ва жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлиги яъни харидоргирлиги билан аниқланади. Мамлакатнинг таълим тизимидаги ислохотлар ва барча илмий, маънавий-маърифий ривожланишларнинг якуний кўрсаткичи ҳам товарлар ва хизматларимизнинг замонавий бозорларда рақобатбардошлигининг таъминланиши билан баҳоланади.

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган интеграция жараёни унинг глобаллашувига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу бир томондан қўшимча қиймат яратишнинг трансмиллий «занжирини» кўзда тутган ҳолда, иккинчи томондан ишлаб чиқариш соҳасида ҳам рақобатни кучайтирмоқда. Шунингдек глобаллашиш асосида логистика ва товарлар ҳамда хизматлар

сифатини ҳам стандартлаштиришни таъминловчи умумжаҳон коммуникация тизими ҳам ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга, аҳоли сони муттасил ошиб бориши иш билан таъминлаш, моддий оқимлар ва у билан боғлиқ бўлган ахборотни ва маблағларни бошқариш бўйича ечимларнинг оптимал вариантларини қидириб топиш ва амалиётга қўллаш, аҳолига қулай фаолият жараёнини яратишни талаб этмоқда.

Бугунги кунда интеграция жараёнининг кичик даражаси мамлакатлар иқтисодиётида янги хўжалик юритиш тизимини шакллантириш йўли ҳисобланиб, ўзаро пировард маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва географик яқин бўлган корхона ва ташкилотларни ўз ичига олган «Кластер»лар яратиш ва уларнинг самарали фаолиятини таъминлашдир.

Бу ўз навбатида, логистика-бизнес ташкилотларини бошқаришнинг харид қилиш, ишлаб чиқариш, маблағлар, маркетинг, сотиш каби одатдаги функциясига айланган. Ҳар қандай саноат ёки савдо соҳасидаги йирик ва хатто ўртача компанияни бошқаришнинг умумий тузилмасида логистика хизматининг бўлмаслиги салбий ҳолат ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, саноати ривожланган мамлакатлар ва илғор корхоналарнинг иш тажрибаси замонавий бизнесда логистика стратегик муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради. Логистика деганда бизнес ташкилоти барча ресурсларнинг оптимал сарфида корпоратив мақсадларга эришиши учун моддий оқимлари ва унга ҳамроҳлик қилувчи бошқа оқимларни (ахборот оқимлари, молиявий оқимлар, сервис) самарали бошқариш тушунилади. Ҳозирги кунда илғор фирмаларда логистиканинг анъанавий функциялари – ташиш, захиралар, харидлар ва буюртмаларни бошқариш, юкларни омборларга жойлаштириш ва уларга қайта ишлов бериш стратегик инновацион тизим ҳосил қилиш билан умумий ахборот-компьютер платформаси базасида интеграллашган. Компания ходимларининг логистика ва етказиб беришлар занжирларини бошқариш соҳасидаги билимларини бошқаришда логистика ва тижоратнинг янги йўналиши - SCM (Supply Chain Management - етказиб беришлар занжирларини бошқариш (ЕБЗБ)) соҳасида билимларни шакллантириш ва ривожлантириш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. [10]

Замонавий логистикани бизнес-жараёнларни бошқаришда ахборот-коммуникацияларини фаол қўллаш орқали амалга оширилади. Шунингдек, бугунги кунда логистик операцияларни такомиллаштириш кўп жиҳатдан ахборот технологиялари соҳасидаги ютуқлар билан белгиланади.

Ахборот-коммуникация ресурслари ўзида ахборотни узатиш, қабул қилиш, унга ишлов бериш, ахборотдан бизнес-жараёнларнинг ҳужжатлар ва моделлар кўринишида расмийлашган маълумотлари ва билимлари билан

биргаликда фойдаланиш учун мўлжалланган дастурий- аппаратли, тармоқ, ташкилий ечимлар мажмуасини тақдим қилади. Ахборот-коммуникация ресурсларининг ажралиб турувчи хусусияти шундан иборатки, улар логистик компаниянинг бошқа ресурслари – моддий, молиявий, ходимлар интеллектуал, вақт ресурсларини бошқариш имконини беради.

Ахборот-коммуникация технологиялари деганда логистикада маълумотнинг айланиш муҳитини шакллантирадиган услублар, воситалар ва усуллар тушунилади. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг асосини телематика, товарларни, уларни сақлаш объектлари ва жойларини идентификациялаш услублари ва воситалари, шунингдек интернетни ҳам ўз ичига олган ҳолда маҳаллий ва глобал даражадаги тармоқ коммуникацион ва компьютер тузилмалари ташкил қилади

1-жадвал

**Логистикада Ахборот-коммуникация ресурслари:
атамалар ва таърифлар[10].**

Ресурс	Таърифи, мўлжалланиши
КИС (ERP)	Корпоратив ахборот тизими (одатда ERP-классидаги). Enterprise Resource Planning - Корхонанинг ресурсларини режалаштириш
SCM	Supply Chain Management - Етказиб беришлар занжирларини бошқариш
ГИС (GIS)	Геоинформацион тизим. Қидириш ва транспорт харажатларини ҳисоблаш функциялари билан маршрутлар ва навигацияни режалаштириш учун дастурий таъминот
CRM	Customer Requirements Management - Харидорлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш. Мижозларга қаратилган классдаги дастурий таъминот
BPM	Business Performance Management - Бизнеснинг самарадорлигини бошқариш. Молиявий-таҳлилий классдаги дастурий таъминот
WMS	Warehouse Management System - Омборни бошқариш тизими. Омборни бошқаришни автоматлаштириш учун дастурий таъминот

Умуман олганда, корхона самарали ишлаши учун ҳар хил типдаги маълумотлар – оддий справочник маълумоти, жойлардаги жорий оператив ишлар тўғрисидаги маълумотлар, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўладиган махсус маълумотлар зарур бўлади. Охиргиси ишлаб чиқаришнинг илмталаблиги ва мураккаблиги билан ажралиб турадиган юқори ахборот технологияларининг маҳсулоти бўлиб ҳисобланади. Бу маълумот қуйи мураккаблик даражасидаги маълумотларни интеллектуал

таҳлил қилиш ва юқори мураккаблик даражасидаги масалаларни ечиш натижасида ҳосил бўлади, улар умумий ахборот пирамидасини ҳосил қилади

Иқтисодий реал секторида рақамли технологияларни ривожлантириш орқали замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш ҳисобидан маҳсулотлар ва хизматлар сифатини яхшилаш, уларнинг таннархини, ишлаб чиқаришдаги тўхталишларни камайтириш, молиявий -иқтисодий фаолиятнинг шаффофлигини ошириш билан бирга инновацион автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш назарда тутилмоқда. Барча иш жойларни босқичма- босқич автоматлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини роботлаштириш, шунингдек сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, савдо ҳажмини ошириш ва мижозларга хизматлар кўрсатишни яхшилаш мақсадида буюртмачилар (мижозлар) билан ўзаро муносабат механизмларини такомиллаштириш, бошқарув маълумотларини қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимини, жумладан, реал вақт режимида бизнес-таҳлил тизимини жорий қилиш орқали такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда, 2025 йилда корхона ресурсларини бошқариш тизимини (ERP); жорий қилган йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг улушини 90 фоизга етказиш, саноат корхоналарида жорий этилаётган ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш (ERP, MES SCADA ва бошқалар), роботлаштириш, "Интернет буюмлар", "сунъий интеллект" каби технологияларнинг дастурий маҳсулот қисмини 2027 йилга келиб, аппарат қисмини эса 2030 йилга келиб давлат-хусусий шериклик асосида маҳаллийлаштириш[4] алоҳида диққатни талаб қиладиган вазифалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Мирзиёев. Эркин фаровон, демократик Ўзбекистон Давлатини биргаликда барпо этамиз Т.: Ўзбекистон, 2016. 15-б.
2. .Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ш. Мирзиёевнинг сайловолди дастури.Т:"Ўзбекистон" нашриёти. 2021.24-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган " Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси".lex/uz
4. Ш.Мирзиёев "Янги Ўзбекистон стратегияси"-Т: "O'zbekiston" нашриёти, 2021. 98 -155 б.
5. .Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон

- Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси" Lex/uz
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сонли "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.Lex/uz.
 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан "2022 - 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ"Lex.uz.
 8. Саидов М.Ҳ, Очиллов И.С. Мева-сабзавотчиликда замонавий кластерларни шакллантириш масалалари, уларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: ТДАУ, 2019. 5-бет.
 9. М. Портер Конкуренция / Майкл Э. Портер; пер. с англ. – М.: Вильямс, 2006. – 256 с.
 10. Ғ.Саматов "Логистика " дарслик. - Т. 2020й. 49-657 б.
 11. Т.Ёқубов. Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришда кластер тизими ва унинг молиявий хусусиятлари.. Doi Jornal 10.26739/2181-9904 Journal of Agro processinc.volume 4.issue 2. T-2020. 476..